


IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№4

*Journal of Irrigation
and Melioration*



**ЕР ТАҚСИМОТИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ
ХУДУДИДА ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
Шерзод Раҳмонов - (PhD), мустақил тадқиқотчи “Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети
Қосимджон Раҳмонов - доценти, т.ф.д. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

Аннотация

Мақолада республикада фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаш, уларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш масалаларини долзарблиги очиб берилган. Муайян маҳалланинг паспортида акс эттирилган маълумотлар таҳлили асосида ундаги ахборотларни ишончли ва шаффоф тарзда шакллантиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган. Шунингдек, таҳлилий маълумотларга асосланиб, ҳар битта маҳалла фуқаролар йиғинида ер кадастри хужжатларини сифатли шакллантириш, ер участкаларини гуруҳлаш ҳамда улардан фойдаланиш хусусиятлари очиб берилган. “Юксалиш” маҳалла фуқаролари йиғини мисолида шакллантирилган кадастр маълумотларини тизимлаш тажрибасини бошқа маҳаллаларда ҳам жорий этиш усуллари бўйича креатив ечимлар асосланган.

Калит сўзлар: ер тақсимоти, ерлашрни қайта тақсимоти, ер баланси, ер фонди, ер участкаси, чизиқли объектлар, чегара белгиси, бош режа, “Темир дафтар”, “Коммунал хизматлар сервис”.

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИИ О РАСПРЕДЕЛЕНИИ ЗЕМЕЛЬ НА ТЕРРИТОРИИ РАЙОННОГО СОБРАНИЯ ГРАЖДАН

Шерзод Раҳмонов – (PhD), независимқй исследователь Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», независимый исследователь, доктор философии по техническим наукам.
Қосимджон Раҳмонов – доцент, доктор технических наук Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Аннотация

В статье раскрывается актуальность вопросов систематизации, анализа и совершенствования информации в махалльских собраниях граждан, действующих в республике. На основе анализа данных, отраженных в паспорте конкретного махалли, даются научно обоснованные предложения и рекомендации по надежному и прозрачному формированию информации в нем. Также на основе аналитических данных выявляются особенности качественного формирования земельно-кадастровых документов, группировки земельных участков и их использования в каждом махалльском собрании граждан. На примере собрания граждан махалли «Юксалиш» предлагаются креативные решения по методам внедрения опыта систематизации кадастровых данных в других махаллах.

Ключевые слова: распределение земель, перераспределение земель, земельный баланс, земельный фонд, земельный участок, линейные объекты, межевой знак, генеральный план, «Железная тетрадь», «Сервис коммунальных услуг».

IMPROVEMENT OF METHODS FOR FORMING LAND DISTRIBUTION INFORMATION IN THE TERRITORY OF THE LOCAL CITIZENS' ASSEMBLY

Sh.Q.Rakhmonov – independent researcher (PhD) in Technical Sciences, “Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university.

Q.Rakhmonov – associate professor (DSc), “Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university.

Abstract

The article reveals the relevance of the issues of systematization, analysis and improvement of information on mahalla citizens' assemblies operating in the republic. Based on the analysis of the data reflected in the passport of a particular mahalla, scientifically based proposals and recommendations are given for the reliable and transparent formation of information in it. Also, based on analytical data, the features of qualitative formation of land cadastre documents, grouping of land plots and their use in each mahalla citizens' assembly are revealed. Creative solutions are based on the example of the "Yuksalish" mahalla citizens' assembly on the methods of introducing the experience of systematization of cadastre data in other mahallas.

Key words: land distribution, redistribution of land, land balance, land fund, land plot, linear objects, border mark, master plan, "Iron book", "Communal services service".


Kirish. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқариш мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишлардан бўлиб, у республикада ер участкалари сонини йилдан йилга ортиб бориши ва турли-туманлиги билан боғлиқдир. Ҳар қандай ахборотни кенг кўламда тизимга солиш, уни сақлаш, янгилаш, излаш ва ундан фойдаланувчиларга тезкор топиб бериш бу жараёнларни рақамлашлаштиришни, рақамлашган инновацион технологияларга асосланган замонавий ер ахборот тизимларини яратишни талаб қилади. Бундай тизимларнинг асосий вазифаси маълумотлар базасини яратиш, зарур дастурий таъминот тайёрлаш ва ундан фойдаланиш ҳамда тизимнинг ишлашини бошқаришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасига биноан, ахборот тизими - бу ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари ҳисобланади. Республикада кадастр тизими ва ахборотларини тегишли ташкилот ва давлат органларига тақдим этиш ҳамда маълумотларни интеграция қилиш ушбу соҳада бир қатор камчиликларни бартараф этиш учун замин яратади. Маълумки, кадастр ахборотларини шакллантиришда Ер кодекси (1998), “Ахборотлаштириш” (2003) ва

“Давлат ер кадастри” (1999) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатлар асосий манба ҳисобланади.

Кириш ва муаммонинг ҳозирги ҳолати. Ҳозирги даврда республика бўйича, жумладан Фарғона вилояти туман ва шаҳарларига бириктирилган ер фондларининг бир қисми маълум даражада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, яъни маҳалла фуқаролари йиғинларига тақсимланган ҳолда фойдаланиш ташкил этилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари учун тегишли давлат идоралари томонидан паспорт жорий қилинган. Аммо, маҳалла фуқаролар йиғини паспорти таркибида ер ахборотлари чекланган тарзда яъни умумий ҳолда қайд этилганлиги тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Маҳалла (қишлоқ, кўча)лар бўйича шакллантирилаётган ер кадастри ахборотларида эса амалда юритилаётган кадастр ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имконияти маълум даражада мураккабликлар келтириб чиқармоқда.

Masalaning qo'yilishi. Тадқиқот объекти ҳисобланган Фарғона вилояти Боғдод туманида жойлашган “Юксалиш” маҳалла фуқаролари йиғини тасарруфида иккита ер участкаси бўлиб, тадқиқотлар асосан биринчи ер участкаси қамровида олиб борилганини эътироф этилди. Қуйидаги расмда “Юксалиш” маҳаллалар уюшмаси ҳудудидаги ер участкаларининг амалдаги жойлашув схемаси қайд этилган (1-расм).



1-расм Боғдод туманидаги “Юксалиш” маҳаллалар уюшмаси тасарруфидаги ер участкаларининг жойлашув схемаси.

Мазкур туманда жумладан, “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар, уларнинг тасарруфидаги ер участкалари, жамоат фойдаланишидаги майдонлар, ер тоифалари, ердан фойдаланувчиларнинг ихтисослиги, ер майдони ўлчамлари, ер ва кўчмас мулкларни баҳолаш кўрсаткичлари паспортда кўрсатилмаган. Натижада, мазкур маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер фондидан фойдаланиш даражаси, ер тақсимооти ва қайта тақсимооти кўрсаткичлари, “Ер аукцион” тизими фаолияти, “бўш” ерлар, туман захира ерлари каби маълумотларни олиш, уларни таҳлил қилиш, маҳаллалар ерларидан оқилона фойдаланиш

чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ишончли ва шаффоф манбаларни яратишда сезиларли даражада эҳтиёжлар кузатилмоқда.

2023-2024 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаси сифатида “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ер кадастри ҳужжатларини шакллантириш ва юритиш ҳолати бўйича таҳлилий маълумотлар ишлаб чиқилган. Ушбу маълумотлар маҳалла фуқаролар йиғинининг амалдаги паспортига оид мавжуд ахборот турлари ва уларни шакллантириш ҳолати ўрганилган.

Natijalar tahlili va misollar. Қуйида тадқиқотлар ва таҳлилий ўрганишлар натижасида “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида мавжуд бўлган камчиликлар ва ер кадастри маълумотларидаги ноаниқликлар қайд этилди:

- 55,6 гектар умумий ер майдони бўйича ер участкалари кесимидаги ер фонди тақсимои тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ шакллантирилмаган;
- ер фондини ер тоифлари ва ердан фойдаланувчи субъектлар (ер участкалари) кесимидаги ер участкаларининг умумий сони ва майдони аниқланмаган;
- 107 та мақсадли фойдаланилмаётган бўш ер участкалари мавжуд;
- ижтимоий объект(нотураб жойлар, газ, электр, алоқа ва ичимлик суви тармоқларига тегишли объектлар ҳамда бошқа.)ларга оид ҳужжатлар расмийлаштирилмаган;
- ҳудуддаги ички йўллар ва суғориш тармоқларига ер кадастри ҳужжатлари то'лиқ шакллантирилмаган;
- ер участкаларининг фойдаланиш мақсадига кўра идоравий мансублиги янги ер участкаси қайси идорага ҳисобдорлиги бўйича маълумотлар тўлиқ шакллантирилмаган;
- “Е-auksion” тизими учун аниқ (реал) маълумотлар шакллантирилмаган, тизимлаштирилмаган;
- ҳудуддаги маҳаллалар бош режаси ва истиқболдаги ер тақсимои прогноз кўрсаткичлари мавжуд эмас;
- ижарага берилган ёки берилиши мумкин бўлган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эмас;
- ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига оид маълумотлар ва уларнинг электрон харитаси ишлаб чиқилмаган;
- ер участкалари ва MFYга ўрнатилган доимий чегара белгилари сақланмаган;
- ер сервитути битимларига эҳтиёж мавжудлиги аниқланган, аммо, шартнома намуналари яратилмаган;
- ер кодексида белгиланган 21та турдаги сервитутлар бўйича эҳтиёжлар ўрганилмаган ва уларга оид тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Юқорида қайд этилган камчиликлар ва ноаниқликларни аниқлаш давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаммоларнинг услубий-амалий жиҳатдан креатив ечимлар ишлаб чиқишни тавсия этиш мумкин. Жумладан, маҳаллалар кесимидаги ер тақсимои ҳолатини мунтазам равишда йиллар бўйича ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уни амалиётда жорий қилиш тавсия этилади.

Муайян маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини маҳаллалар ва ер тоифалари кесимидаги ер тақсимои ва қайта тақсимои кўрсаткичларини аниқлаш, туман маҳаллалари уюшмасига тегишли туман ер балансини сифатли ишлаб чиқишга асос

яратади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудий қамровидаги муайян ер участкасида чегара белгиларини аниқлаш ва уларни жойларда ўрнатиш тавсия этилади.

Куйидаги жадвалда чегара белгиларини ўрнатиш афзалликлари акс эттирилган (1-жадвал).

1-жадвал		
МФЙ ҳудудий қамровидаги муайян ер участкасида чегара белгиларини ўрнатиш тавсия этилади. Натижада:		
1) ишончли, аниқ ва шаффоф ер кадастри маълумотлари асосида “Сервис коммунал хизмат” фаолиятини самарали йўлга қўйишга эришилади;	4) МФЙ ҳудудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича ер участкаларининг сони ва майдонини аниқлаш эвазига ер солиғи тушумини адолатли ҳал этишга эришилади;	8) жисмоний ва юридик шахсларнинг ерга эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқини давлат томонидан кафолатлаш шароити яратилади;
2) “Бўш” ер майдонларини ишончли ва шаффоф услубда аниқлаш имконияти яратилади;	5) ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларини юқори аниқликда ҳисоблаш имкониятлари яратилади;	9) ер муносабатларини тартибга солишда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига тўлиқ барҳам беришга эришилади.
3) МФЙ ҳудудида ер қонунчилигига тўлиқ риоя этиш ва ер муносабатларини тартибга солишда инсон манфаатлари тўқнашувида тўлиқ барҳам берилади;	6) ер участкаларини “E-auksion” тизимига киритиш учун реал маълумотларни шакллантириш мумкин бўлади;	10) МФЙ ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир метр квадрат майдондан оқилона фойдаланиш бўйича барча чоратадбирларни амалиётга жорий этиш мумкин бўлади.
	7) МФЙ ер фондини истиқболдаги ер тақсимооти бўйича прогноз ишланмаларини ишлаб чиқиш имкониятлари яратилади;	

Юқорида қайд этилган тавсия ва креатив ечимлар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини (маҳаллалар ёки кўчалар кесимида) бош режаларни ишлаб чиқиш ва ер тақсимоотини адолатли ҳал этиш, муаммоларни эса тизимли равишда ҳал этишга эришиш имконияти яратилади. Оммавий ва хусусий ер сервитутларини жорий этиш бўйича шартномалар ишлаб чиқиш асосида уларни амалиётга кенг татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, аҳолига ижтимоий қулайликлар яратилади ва ер майдонидан тежамкорлик билан фойдаланиш ташкил этилади ҳамда қўшни ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланади.


Ердан фойдаланувчилардан ер-мулк солиғини адолатли ундириш мақсадида кадастр ва солиқ хизматлари платформасидаги маълумотлар интеграциясини такомиллаштириш зарур. Масалан: айрим ҳолатларда уй-жой (томорқа ер участкаси) нинг кадастр хужжатида қайд этилган манзил рақами амалда ўрнатилган ховли жой рақамига мос келмаслиги кузатилган. Ушбу камчиликни бартараф этиш эвазига тезкор тиббий хизматлар, фавкулотда вазиятлар ва фуқароларни рўйхатдан ўтилганлик ҳолатлари тўғрисидаги, ер назоратига оид маълумотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Яшил макон” тадбирларини амалга ошириш, “Коммунал сервис хизмат” фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятлари яратилади.

Маҳаллалар кесимида ҳудуд бўйича бош режаларни ишлаб чиқиш ва ер тақсимоотини адолатли ҳамда мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этишга эришилади. Сабаби, ушбу объектлар кадастр хужжатларига эмаслиги эвазига. Ижтимоий объектлар (нотурар жойлар, газ, электр, ичимлик суви тармоқларига тегишли объектлар ва бошқа.)

бўйича кадастр хужжатларини расмийлаштиришни тизимли равишда ҳал этиш мақсадга мувофиқ. Ички йўллар (15,3 км) ва ҳудуддаги ички суғориш тармоқ объектларига ер кадастри хужжатларини шакллантириш зарур.

Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига кўра уларни идоравий мансублиги (муайян ер участкаси қайси идорага ҳисобдорлиги) бўйича кадастр маълумотларини тўлиқ шакллантириш зарур. Бунинг эвазига туман маҳаллалари уюшмаси томонидан ташкилий – ижтимоий ва иқтисодий – экологик тадбирларни сифатли бажариш ҳамда масъул ташкилотлар томонидан ер участкаларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишни манзилли равишда амалга оширишга эришилади.

Иккиламчи ижарага берилган ёки берилиши мумкин бўлган (“Темир дафтар” рўйхатидаги оилалар, ишсизлар, ёшлар ва бошқалар) ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаш асосида ер кадастри хужжатлари сифати ва ишончилиги ортади. Яхлит майдонли ва чизикли объектларнинг муҳофаза ҳудудлари шартли белгилар асосида электрон харитада акс эттирилиши эвазига мазкур майдонларда ўзбошимчалик билан бино-иншоотларни қуриш ва тасарруф этиш каби салбий оқибатларни олдини олишга эришилади.



2-расм. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳа ойиҳа ишлари.

Туман ва маҳалла фуқаролар йиғини нинг электрон харитасида худудда жойлашган барча ЕФСлар тасарруфидаги ер участкаларини акс эттириш ва уларга тегишли ер кадастр хужжатларини талаб даражасида шакллантириш имкониятлари яратилади. Монографик тадқиқотлар ўтказилган Боғдод тумани худудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг амалдаги электрон хариталарида худудларда жойлашган барча ердан фойдаланувчилар тасарруфидаги ер участкаларини акс эттириб бориш ва уларга тегишли кадастр хужжатларини талаб даражасида шакллантириш талаб этилиши аниқланган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун маҳалла фуқаролар йиғини худудида қуйидаги лойиҳа ишларини амалга ошириш талаб этилади (1-расм):

“Юксалиш“ маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги барча ер участкалари бўйича ер кадастри хужжатларини ишончли, ҳаққоний ва шаффоф тарзда шакллантиришга ва юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Хулоса. Тадқиқот объекти ҳисобланган “Юксалиш” маҳаллар уюшмаси мисолида қайд этилган таклиф ва тавсияларни ижросини таъминлаш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда белгиланган тадбирларини амалиётга жорий этиш худудда “Сервис коммунал хизмат” фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйишда муҳим ечимлардан бири ҳисобланади.

Қайд этилган таклиф ва тавсиялар ижросини таъминлаш тадбирларини амалиётда жорий этиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари худудида “Сервис коммунал хизмат” фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйишда муҳим омил ҳисобланади. “Юксалиш” “Юксалиш“ маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги барча ер участкалари бўйича ер кадастри хужжатларини ишончли, ҳаққоний ва шаффоф тарзда шакллантиришга ва юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. мисолида бажариладиган кадастр ишлари натижаларини белгиланган 208 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ва Республикамизда фаолият юритаётган салкам 9,5 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

№	Адабиётлар	References
1	Тураев Р.А. Ведение мониторинга земель // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инновацион журнали. - Тошкент: «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ, 2021. - №4. - Б. 41-48.	Turaev R.A. <i>Vedenie monitoringa zemel</i> // "O'zbekiston zamini" scientific-practical and innovative journal. - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2021. - #4. - B. 41-48. (In russian)
2	Черкашина Е.В. Землеустроительное мероприятия как основа вовлечения в неиспользуемых с/х-х угодий // Фундаментальные исследования. - Москва, 2018. №5, С. - 124-129.	Cherkashina E.V. <i>Zemleustroitelnoe meropriyatiya kak osnova вовлечения в неиспользуемых с/х-х угодий</i> // Fundamental research. - Moscow, 2018. No. 5, pp. - 124-129. (In russian)
3	Abdullaev T.M., Turaev R.A., Inamov B.N., Abdullaeva M.T. The benefits of using modern technology in monitoring agricultural land // International journal of research culture society ISSN: 2456-6683 volume - 3, Issue - 10, Oct – 2019 Monthly,	Abdullaev T.M., Turaev R.A., Inamov B.N., Abdullaeva M.T. The benefits of using modern technology in monitoring agricultural land // International journal of research culture society ISSN: 2456-6683 volume - 3, Issue - 10, Oct – 2019

	Peer-Revived, Refereed, indexed journal Scientific journal, Impact Factor Journal Scientific Journal: 4.526., Publication data: 2019. P. -157-158.	Monthly, Peer-Revived, Refereed, indexed journal Scientific journal, Impact Factor Journal Scientific Journal: 4.526., Publication data: 2019. P. - 157-158.
4	Бабажанов А.Р., Хожиев Қ.М., Шаропов Р.Н. Ер ҳисобини юритиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари // “Агро илм” аграр иқтисодий илмий амалий журнал. Тошкент-2021. № 2. б.- 19-21	Babazhanov A.R., Khojiev K.M., Sharopov R.N. <i>Yer hisobini yuritish tizimini yanada takomillashtirish masalalari</i> [Issues of further improving the land accounting system] // “Agro ilm” agrarian economic scientific and practical journal. Tashkent-2021. № 2. p.-19-21 (In uzbek)
5	Тураев Р.А., Ташбаева Ҳ.Х. Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталининг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент:, 2020. - № 70. б.114 - 115	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yerlarni miqdoriy hisobini yuritishda yer axborot tizimi portalining o'рни</i> [The role of the land information system portal in quantitative land accounting] // Scientific supplement to the Uzbek agricultural journal “Agro ilm”. Tashkent:, 2020. №. 70. p. -114 - 115
6	Babajanov A.R. and Inamov B.N. / Improvement of the existing technology of cadastral assessment of irrigated crop land in case of Uzbekistan E3S Web of CONFERENCES 590, 04004 (2024)	Babajanov A.R. and Inamov B.N. / Improvement of the existing technology of cadastral assessment of irrigated crop land in case of Uzbekistan E3S Web of CONFERENCES 590, 04004 (2024)
7	Khojiyev K.M., Alimakhamatova Sh.O., Zaripboyeva M.U. "Advantages of land use plans in land protection" // Cottom Science International scientific journal. 2024. Volume-4, Issue-1. 95-100 p.	Khojiyev K.M., Alimakhamatova Sh.O., Zaripboyeva M.U. "Advantages of land use plans in land protection" // Cottom Science International scientific journal. 2024. Volume-4, Issue-1. p. -95-100
8	Қ.Рахмонов, М.З.Абдурахимова. Ер ахборот тизими. Монография. “ТИҚХММИ” МТУ. Т.:2023 - б.	Q.Rakhmonov, M.Z.Abdurahimova. <i>Yer axborot tizimi</i> . [Land information system.] Monograph. "TIAME" NRU. T.: 2023 - p. 135
9	Абдуллаев А.Х., Инамов Б.Н. Яроқсиз ҳолга келган экин ерларини қайта тиклаш масалалари // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журнали. - Тошкент, 2020. - №1. 18-22-б.	Abdullaev A.Kh., Inamov B.N. <i>Yaroqsiz holga kelgan ekin yerlarini qayta tiklash masalalari</i> [Issues of restoration of unusable arable lands] // Scientific, practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent, 2020. - No. 1. p. -18-22. (In uzbek)
10	Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолашнинг ахборот таъминоти асослари. Т., Фан, 2018. 78-б.	Abdullaev Z.S. <i>Yer resurslarini qiymatini baholashning axborot ta'minoti asoslari</i> [Fundamentals of information provision for assessing the value of land resources.]

		T., Fan, 2018. p. 78. (In uzbek)
11	Авезбаев С. Рақамли технологияларни қўллаб қишлоқ хўжалик экинлари мониторингини ташкил этиш // Scientific Progress Volume 3 ISSUE 2 2022 ISBN: 2181-1601. Page-717.	Avezbaev S. <i>Raqamli texnologiyalarni qo'llab qishloq xo'jalik ekinlari monitoringini tashkil etish</i> [Organization of monitoring of agricultural crops using digital technologies] // Scientific Progress Volume 3 ISSUE 2 2022 ISBN: 2181-1601. Page-717. (In uzbek)
12	Горбунова Ю.В., Сафонов А.Я. Инвентаризация и мониторинг земель населенных пунктов. ФГБОУ ВО «Красноярский государственный аграрный университет». 2018. – 209 б.	Gorbunova Yu.V., Safonov A.Ya. <i>Inventarizatsiya i monitoring zemel naselennix punktov</i> . Krasnoyarsk State Agrarian University. 2018. p. -209 (In russian)
13	Инамов Б.Н., Абдисаломов А.А. Суғориладиган экин ер майдонларидан оқилон ва самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш // “Ўзбекистон замини” илмий-амалий ва инноватсион журнал. - Тошкент: «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ, 2024. - №3. - Б. 35-38	Inamov B.N., Abdusalomov A.A. <i>Sug'oriladigan ekin yer maydonlaridan oqilona va samarali foydalanish tizimini takomillashtirish</i> [Improving the system of rational and effective use of irrigated arable land] // Scientific-practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2024. - №3. P. -35-38 (In uzbek)
14	Тураев Р.А. Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини юритиш // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журнали. - Тошкент: «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ, 2020. - №3. - Б. 32-35.	Turaev R.A. <i>Qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini yuritish</i> [Monitoring of agricultural lands] // Scientific-practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2020. - №3. P. -32-35. (In uzbek)
15	Тураев Р.А. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ер мониторингини юритишнинг аҳамияти // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журнали. - Тошкент: «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ, 2021. - №2. - Б. 42-45.	Turaev R.A. <i>Yerdan foydalanish samaradorligini oshirishda yer monitoringini yuritishning ahamiyati</i> [The importance of land monitoring in increasing the efficiency of land use] // Scientific, practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2021. - №2. - P. - 42-45. (In uzbek)
16	Долгирев, А.В., Костюкова Ю.С. Проблемы и перспективы землеустройства в современных условиях // Проблемы агропромышленного комплекса стран Евразийского экономического союза: Материалы II - Международной научно-практической конференции. - Саратов:	Dolgirev, A.V., Kostyukova Yu.S. <i>Problemi i perspektivi zemleustroystva v sovremennix usloviyax</i> // Problems of the agro-industrial complex of the countries of the Eurasian Economic Union: Proceedings of the International scientific and practical conference. - Saratov: LLC "Center for Social Agroinnovations of

	ООО «Центр социальных агроинноваций СГАУ», 2015. - С. 274-276.	SSAU", 2015. - P. -274-276. (In russian)
17	Тураев Р.А., Ташбаева Х.Х. Ер ҳисобини юритишнинг қишлоқ хўжалигида аҳамияти // “Ўзбекистон замини” илмий-амалий ва инноватсион журнали. Тошкент: -“ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА” ДИЛИ, 2020. - № 2. –Б. 17-19.	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yer hisobini yuritishning qishloq xo'jaligida ahamiyati</i> [The importance of land accounting in agriculture] // Scientific, practical and innovative journal “O'zbekiston zamini”. Tashkent: - “UZDAVYERLOYIHA” DILI, 2020. - №. 2. – P. -17-19. (In uzbek)
18	Тураев Р.А., Ташбаева Х.Х. Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталининг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали “Агро илм” илмий иловаси. – Тошкент: 2020. - № 70. 114-115. б.	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yerlarni miqdoriy hisobini yuritishda yer axborot tizimi portalining o'rni</i> [The role of the land information system portal in conducting quantitative land accounting] // Scientific supplement to the Uzbek agricultural journal “Agro ilm”. – Tashkent: 2020. - No. 70. p. -114-115. (In uzbek)
19	Volkov C.H., Cherkashina transfer into use of unused agricultural lands significance, challenge GES, Solutions // International Agriculture journal Vol 61 No. 4 2018. R. - 28-38.	Volkov C.H., Cherkashina transfer into use of unused agricultural lands significance, challenge GES, Solutions // International Agriculture journal Vol 61 No. 4 2018. P. - 28-38.
20	Инамов А.Н. ГАТ оиласига мансуб АрсГИС дастурий таъминотида ер ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «Агроилм» иловаси. - Тошкент, 2020. 6[69]-сон. - Б. 81-	Inamov A.N. <i>GAT oilasiga mansub ArcGIS dasturiy ta'minotida yer hisobini yuritish tizimini avtomatlashtirish</i> [Automation of the land accounting system in the ArcGIS software of the GAT family] // "O'zbekiston qishloq xo'jaligi" journal, "Agroilm" supplement. - Tashkent, 2020. Issue 6[69]. - P. -81 (In uzbek)